



## МОДУЛЛИ ЁНДАШУВ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Дехқонбоева Санталат Турсунбаевна

Жиззах давлат педагогика университети

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p2-62>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> February 2023

Accepted: 12<sup>th</sup> February 2023

Online: 13<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Илмий-методик билим,  
компетент, учинчи  
Ренессанс, мазмун,  
изланувчанлик, методик  
асослар, узлуксиз таълим  
тизими.

### ABSTRACT

*Бугунги кунда дунёда замонавий кадрларнинг, хусусан, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга эришилмоқда. Мақола модулли ёндашув-касбий компетентцияларини шакллантиришнинг асосий омиллари ҳақида.*

Бўлажак ўқитувчининг танлаган соҳаси бўйича малакали, юқори маҳоратга эга мутахассис сифатида шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, унга кўп йиллик самарали меҳнат, ижодий изланишлар натижасидагина эришиш мумкин. Бироқ мазкур сифатларнинг шаклланиши учун замин олий ўқув юртларидаги таҳсил жараёнида яратилади. Жуиладан, бўлажак ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида мутахассисликка оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб бориши билан бир қаторда педагогик-психологик фанлар бўйича назарий ва амалий билимдонликнинг шаклланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах давлат педагогика университети ўқув жараёнида масофавий таълимни ташкил этиш учун профессор-ўқитувчилар ўзларининг электрон портфолио тизимидаги логин ва пароллари орқали порталга кириб рўйхатдан ўтадилар. Ҳар бир фаннинг таркибида маърузалар матни, видео материаллар, мавзулар юзасидан топшириқлар, тестлар, фойдали манбалар ҳамда адабиётлар манзиллари келтирилган. Бўлажак ўқитувчилар масофавий таълимда иштирок этишлари асосида масофавий таълимни ташкил этиш бўйича педагогик дастурий воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ўқув контентлари ҳақида кўникмаларига эга бўладилар. Шунингдек, алоҳида ўзларининг мутахассислик фанлари бўйича замонавий касбий кўникмаларини ривожлантирадилар.

Замонавий таълимда бугунги кунда дунё ҳамжамияти ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда, бу эса ўз навбатида бўлажак профессионални шакллантиришга янгича ёндашувни талаб этади. Бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам таълим мақсадлари соҳасида кечаётган ўзгаришлар, инсоннинг ижтимоий оламга киришини таъминлашга қаратилган глобал масалаларга мос келади.



Жумладан, таълим тизимини такомиллаштириш ҳужжатларида компетентли ёндашув таълим мазмунини янгилашнинг муҳим бир концептуал ҳолати сифатида эълон қилинмоқда. Таълим тизимида компетентли ёндашувни амалга ошириш учун реал ҳаётда ва касбий амалиётда асосий компетентлигини кўллаш қобилиятига эга бўладиган ахборот технологиялари йўналиши кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган бир пайтда ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда, чунки айнан бўлажак мутахассис баркамол авлод бунёдкори саналади. Узлуксиз таълим мазмунида қайд этилган тамойиллардан бири ёшлар орасидаги қобилиятли ва истеъдодлиларини аниқлаш ва уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш ҳисобланади. Таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг ижодий истеъдодларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим чунки Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири-ёшларнинг ташаббуслар инновацион ғоя ва фикрларини, истеъдод ва иқтидорини ўз вақтида кўра олиш ва уни рўёбга чиқариш учун кўмаклашишдан иборатдир. Ёшлардан ташкилотчилик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш орқали юксак маънавиятли етакчи ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатим тараққиёти ва унинг истиқболи учун йўналтириш талаб этилади. Бугунги мутахассиснинг маънавияти, мафкуравий эътиқоди ва ўқув жараёнини яхши билши катта аҳамиятга эга. Бугун мутахассисдан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилаётган экан, унинг билимдонлиги қай даражада эканлигини таҳлил қилиш ўта муҳим саналади. Бунда албатта Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий компетентцияларини ривожлантириш, уларда касбий билимдонлиги ва компетентлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўз касби бўйича маълумот даражаси қай даражадалигини, шунингдек ундаги бўшлиқларни аниқлаш ва шу асосда мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратилган методни ишлаб чиқиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномалар қуйидагича:

- Сиз технология соҳасида таълим олишдан мамнунмисиз?
- Соҳа бўйича мутахассислик фанига қизиқасизми?
- Соҳа бўйича дарслар кўпроқ қандай шаклда ўтилишини хоҳлайсиз?
- Соҳа бўйича амалиёт қандай шаклда ёки қай вақтларда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади?
- Сизга мутахассислигингиз бўйича таълим бераётган ўқитувчиларнинг таълим бериш (методикасидан) услубидан қониқасизми?

Юқоридаги сўровномалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги натижалар олинди:

**Сиз технологик таълим соҳасида таълим олишдан мамнунмисиз** деган сўровноманинг натижаси қуйидагича бўлди.

50% талаба мамнунман деб жавоб берган.

28% талаба мамнун эмасман деб жавоб берган.

22% талаба аниқ фикр айтолмайман деб жавоб берган.



**Соҳа бўйича мутахассислик фанига қизиқасизми** деган сўровноманинг натижаси қуйидагича бўлди.

33% талаба қизиқмайман деб жавоб берган.

34% талаба фанга қизиқтириш ўқитувчига боғлиқ деб жавоб берган.

22% талаба фанга қизиқиш ёки қизиқмаслигини айтолмаган.

11% талаба қизиқаман деб жавоб берган.

**Соҳа бўйича дарслар кўпроқ қандай шаклда ўтилишини хоҳлайсиз** деган сўровноманинг натижаси қуйидагича бўлди.

22% талаба дарс оғзаки шаклда ўтилишини яхши деб ҳисоблаган.

6% талаба дарс ёзма ва оғзаки шаклда ўтилишини яхши деб ҳисоблаган.

72% талаба кўргазмали шаклда амалиёт билан боғлаб ўтилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган.

**Соҳа бўйича амалиёт қандай шаклда ёки қай вақтларда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди** деган сўровноманинг натижаси қуйидагича бўлди.

28% талаба ўқув йилининг бошида деб жавоб берган.

11% талаба ўқув йилининг охирида деб жавоб берган.

61% талаба мутахассислик фанининг ҳар бир бўлими бўйича ўқув йили давомида амалиётга жалб этилишини қониқарли деб ҳисоблаган.

**Сизга мутахассислигингиз бўйича дарс бераётган ўқитувчиларнинг таълим бериш (методикасидан) услубидан қониқасизми** деган сўровноманинг натижаси қуйидагича бўлди.

17% талаба қониқарли деб ҳисоблаган.

11% талаба қониқарсиз деб ҳисоблаган.

33% талаба ўқитувчининг дарс ўтиш методикаси эскирганлигини маълум қилган.

39% талаба айрим ўқитувчиларнинггина дарс ўтиши қониқарли эканлигини маълум қилган.

Юқорида келтирилган жавобларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, ҳар қандай ҳолатда ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг мутахассислик фанига қизиқиши ва шу соҳада етук мутахассис бўлиб етишиши ўқитувчига, унинг дарс ўтиш методикасига ва мутахассислик фанининг амалий аҳамиятига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди.

Таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, таълим олувчи Бўлажак ўқитувчи ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, ёш хусусиятларига мос равишда таянч ва фанга оид *умумий компетентциялар тизими* қуйидагича белгиланди:

**Коммуникатив компетентция** — ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олиш, мулоқот маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу принцип бўлажак ўқитувчиларга “Технологик таълим технологияси ва жиҳозлари” фанини ўрганиш билан бир қаторда, жамоада ишлай олиш қобилиятини шакллантиради.

**Ахборотлар билан ишлаш компетентцияси** – медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топиш, қайта ишлаш, улардан самарали фойдаланиш, медиа мулоқот лаёқатини шакллантиришни назарда тутди.



**Ўзини ўзи ривожлантириш компетентцияси** – доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўқиб-ўрганиш компетентцияларини эгаллашни назарда тутати.

Бу принципда бўлажак ўқитувчилар “Технологик таълим технологияси ва жиҳозлари” фанини ўрганиш жараёнида соҳа билан бирга, соҳага оид муаммоларни ҳам ўрганади. Шу ўрганиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал ва мустақил қарор қабул қила олиш қобилияти шаклланади.

**Ижтимоий фаол фуқаролик компетентцияси** – ўзи яшаётган жамият муаммоларига дахлдорлик, фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Бу принципда бўлажак ўқитувчилар “Технологик таълим технологияси ва жиҳозлари” фанини ўрганиш билан бирга соҳадаги камчиликларни ҳам ўрганади ва ушбу муаммолар орқали уларни соҳага дахлдолик хисси кучайтиради.

**Миллий ва умуммаданий компетентция** – ватанга садоқатли, инсонга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

**Математик саводхонлик, фан ва Технологик таълим янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетентцияси** – аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда Бўлажак ўқитувчий режа туза олиш, диаграмма, чизма ва моделларни ўқиш, фанга оид инновацион технологиялардан фойдаланиш лаёқатини шакллантиришни назарда тутати. Мазкур компетентциялар бўлажак ўқитувчиларга она тили фани орқали сингдирилади.

Бу принципда бўлажак ўқитувчилар барча техник соҳада бўлгани каби бу соҳада ҳам математик ҳисоб китобларга дуч келадилар. Шу йўл орқали аниқ ҳисоб-китобларга асоаланган ҳолда режа туза олиш ва бошқа қобилиятлари шакллантирилади.

Олий таълимида компетентциявий таълимни ташкил этишда кўпроқ қуйидаги таълим принципларига таянилади:

**Илмийлик принципи** амалий аҳамиятга эга бўлган назарий билимлар, фактлар, тушунчалар, қоидалар ва илмий компетентцияларни ўрганишни кафолатлайди.

Бу принцип орқали бўлажак ўқитувчиларда соҳага оид илмий муаммолар ва бу муаммоларга нисбатан ечим топиш кўникмалари шакллантирилади.

**Тизимлилик принципи** – ўқитиш мақсади, вазибалари, мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларини, тилнинг ўзини яхлит бир тизим шаклида тасаввур қилиш ва фойдаланишни, шунингдек, бўлажак ўқитувчилар томонидан яратиладиган матнларнинг изчил, тизимли, мантиқли шаклланишига эришишни кўзда тутати.

Бу принцип орқали бўлажак ўқитувчиларда “Технологик таълим технологияси ва жиҳозлари” фанини ўқитиш жараёнида фан мақсади, вазибалари ва бошқа омиллар шаклланишига эришилади.

**Изчиллик принципи** – бўлажак ўқитувчилар томонидан тилга оид тушунчаларни изчил ўзлаштириш, нутқий компетентцияларни босқичли кетма-



кетликда шакллантириш, тил имкониятларидан мавзу талаби асосида, мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Ушбу принципда бўлажак ўқитувчилар “Технологик таълим технологияси ва жиҳозлари” фанига оид тушунчалар орқали нутқий компетенциялари шакллантирилиб борилади.

**Кўргазмалилик принципи** – бўлажак ўқитувчилар томонидан мустақил матн яратишда табиий, тасвирий, тарқатма, дидактик, аудио-видеоматериаллар, мультимедиа, интернет ва электрон ўқув воситаларидан унумли фойдаланишни кўзда туттади.

Бу принципда бўлажак ўқитувчилар “Технологик таълим технологияси ва жиҳозлари” фанини ўрганиш жараёнида мустақил равишда соҳага оид ҳар хил ведио ва бошқа кўргазмали материаллардан фойдаланиш кўникмаси шакллантирилади.

Бўлажак ўқитувчини тайёрлаш учун амалга ошириладиган амалиёт, ўқув дастурлари, биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларда касбий муҳим касбий компетентлик, малакалар ва шахсий сифатларни тарбиялашга эмас, балки уларни психолого-педагогик билимлар мажмуи билан қуроллантиришга йўналтирилган. Пировард натижада педагогика коллежлари назарий тайёгарликнинг етарлича (яхши) даражасига эга бўлган, бироқ олинган билимларни амалиётда қўллашда анча қийинчилиларга дуч келадиган мутахассисларга эга бўладилар.

Мутахассисни тайёрлаш мазмунига ўқув ва касбий фаолиятни психологик ва дидактик асосланган яқинлаштириш таъсир кўрсатади, бунда назарий билимлар мутахассис учун долзарб амалий масалалар ва ишларни ҳал қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Малакавий талаблар ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бўлажак ўқитувчини тайёрлаш мазмунидан ушбу компонентлар ўрин олиши лозим: ўқитиш мақсадлари ва вазифаларини қўйиш, ўқув материали мазмунини танлаш, ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларидан фойдаланишни лойиҳалаш, педагогик ва талабанинг дидактик ўзаро таъсири, оралиқ ва охириги тескари алоқа ўқув ва малакаларни ўқитиш шунингдек, ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва рефлексия касбий компетентликига ўргатиш.

Бўлажак ўқитувчининг меҳнати ўқувчини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиш лозим бўлганда ҳар доим юзага келадиган кўплаб қўйидаги каби педагогик масалаларни ҳал этиш жараёни сифатида қаралади: уни маълум билимга жалб қилиш, ўқув ва малакалар тизимини бошқа тизимга ўтказиш. Бу кўплаб ечимларни талаб этади ва керакли натижага эришишнинг афзалроқ усулини топишни талаб қилади. Шу муносабат билан олий ўқув юрти ўқитувчисининг асосий вазифаси мутахассисни тайёрлаш мазмунини бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишлари ва ташкил этишларини уйғотиш учун бу вазифаларни маълум кетма-кетликдаги масалалар тизими тилига ўтказишдан иборат.

Буларнинг ҳаммаси бўлажак ўқитувчиларнинг хусусий билимлари ва касбий компетентлигини интеграциялашни талаб этади. Жумладан, ўқув машғулотини лойиҳалаш ва ўтказиш учун фақат фаннинг мазмунини билишгина эмас, балки билимларни ташкил этишнинг турли усуллари эгаллаганлик, уларни ҳал этилаётган



ўқув вазифасига мувофиқ шаклини танлай билиш, ўқувчиларнинг билиш фаолликларини уйғотиш ва ушлаб туриш, машғулотларнинг боришини таҳлил қилиш ва улар натижаларини баҳолашни билиш лозим. Ҳар бир машғулотни ўтказиш педагогнинг фанга доир, педагогик, психологик, умуммаданий, физиологик билим ва касбий компетентликини интеграциялашувини (синтезлашни) талаб этади. Таълим мазмунини фанга оид структуралашда афсуски, кўпинча, керакли интеграциялашув рўй бермайди.

Бу вазифа бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик амалиётни ўтиш жараёнида ҳам бўш ҳал этилади. Бўлажак ўқитувчининг бўлажак ўқитувчилар ишлаб чиқариш амалиётини ўтганларидан сўнг уларда касбий компетентликнинг шаклланганлиги бўйича ўтказилган анкета сўровининг кўрсатишича, фақат 7,2% бўлажак ўқитувчилар касбий фаолиятни юқори (ижодий) даражада амалга оширишга қодирдирлар; бўлажак ўқитувчиларнинг ярмидан кўпи бу фаолиятни ўртачадан паст даражада (танқидий) ўтказишга эришади.

## References:

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сон фармони.
2. Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон фармони.
3. Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июнь ПҚ-3775-сон қарори.
4. Абдуллаев Ю. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. – 288 б.
5. Абдуллажонов М.А. Формирование профессиональных качеств будущего учителя в процессе обучения в педвузах.: Автореферат дисс.. канд. пед. наук.-Т.: 1991.-21с.
6. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования /Для пед. спец. высш. учеб. заведений. 2-е изд., перер. и доп.-М.: Просвещение. 1990.-144с.
7. Абдурахманова Х.А. Педагогические основы реализации межпредметных связей как средство профессиональной подготовки студентов. Автореф.дисс...канд. пед. наук.-Т.: 1990.-20с.